

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада ижтимоий жараёнлар мураккаблигининг ночизиклиги, хаотиклик, ноаниқлик, ижтимоий бифуркация сингари хусусиятлари назарий-фалсафий жиҳатлари тадқиқ этилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье исследуются теоретико-философские аспекты сложности социальных процессов, такие как нелинейность, неопределённость, хаотичность, социальная бифуркация.

SUMMARY

This article explores the theoretical and philosophical features of the complexity of social processes, such as nonlinearity, uncertainty, chaotic, social bifurcation.

УДК.231-232;-78

ЗАМОНАВИЙ ТЕАТРНИНГ ЖАНР СОХАСИДАГИ ИЗЛАНИШЛАРИ

Г.Ходжаметова – тарих фанлари номзоди, доцент

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали

Таянч сўзлар: театр, спектакль, жанр, иллюзия, матн, нутқ маданияти.**Ключевые слова:** театр, спектакль, жанр, иллюзия, текст, культура речи.**Key words:** theater, performance, genre, illusion, text, speech culture.

Замонавий театр жанрларига таъсир кўрсатувчи омилларнинг бирини адабий-постдраматик ёндашув деб аташимиз мумкин. У театрда сахна қонуниятларини чуқур англаган ижрочининг (яъни постановкачи-режиссёр бошчилигидаги ижодий бирликлар жамоасининг) янги роли билан боғлиқ жанрий эксперимент сифатида намоён бўлади. Адабий тасвирлашнинг ўзи сахнада ҳам тасвирлаш объекти бўлади. Бундай вазият қуйидагиларни келтириб чиқаради:

- матн (адабий асар) уйин ва театр ҳаракатларининг юзага келишига сабаб сифатида асос ҳисобланади, театр у ёки бу пьесани тадқиқ қилиш билан эмас, балки у ёки бу муаллифни тадқиқ қилиш билан шуғулланади;

- спектаклнинг яшашининг асосий методи ва шакли сифатида ҳикоя култи, нутқ маданияти эса асосий ифодаловчи восита сифатида мустаҳкамланади;

- томошабин борлиги суҳбатдош, баъзида спектаклнинг ҳаммуаллифи сифатида кўзда тутилади;

- фикрлаш, иллюзиялар, тушунишлар драматургияси персонажларнинг ҳатти-ҳаракати ва муносабати драматургиясига муқобил тарикасида тақдим этилади.

Адабий театр сахнага олиб чиқиш учун эмас, балки ўқиш учун ёзилган асарларни сахналаштириш бошланган вақтдан бери ўзини намоён этиб келмоқда. Бу ерда адабий асарларни инсценировкалаш (адаптациялар, сахнавий муҳаррирлик, сахна учун қайта ишлаш) ҳодисаси юз бериб, айни вақтда ушбу инсценировкалар ва қайта ишлашларни сахнада ифодалаш ва унга мос театр тилини қидириш муаммоси пайдо бўлади [1:76].

Натижада адабий театрда «ҳаракат» категорияси купрок актёрларга эмас, балки томошабинга юклатилади. Эндиликда у - томошабин - ечимини топади, ноаниқ нарсаларни тушуниб олади, айни вақтда актёрлар (режиссёрлар, художниклар) иқтибос келтиради ва деконструкциялайди - ва бунинг барчаси жаҳон матни ва конкрет матн, яъни у ёки бу асар доирасида кечади. Аммо, яна битта тутатиш нуқтаси мавжуд: у диалогдир, аниқроғи

- уйинда (диалог шакли сифатида). Уйин ҳар қандай бир ўлчовли мантиқ доирасидан чиқишни амалга оширади.

Ҳикоя диалог шакли сифатида адабий театрда турли хил функцияга эга бўлади. Бу турли кўринишларда намоён бўлади: ҳақиқийлик, ҳужжатларга асосланганлиги исботлаш; экстрементал тажрибага эга бўлиш; интеллектуал бошқарув ва ҳ.к. Бу вазиятда актёрлар - фақат матн ижрочилари, улар муайян (кўпинча нуткий) темп-ритмга бўйсунини зарур бўлади. Бунда К.Станиславскийнинг қуйидаги сўзларини келтириш ўринли: «Фаоллик, ҳақиқий, самарали, мақсадга мувофиқ ҳаракат - ижодда, демак, нутқда ҳам энг муҳими! Гапириш - демак яшаш» [2:92].

Айни вақтда олмон олими Х.Леман адабий театрни бир қанча кенг жанрий йўналишларга ажратган ҳолда кўрсатади. Постдраматик театр «XX асрнинг охиригача бирининг театр ва драматик шакллари рағбатланган ўзгаришларини ўзига камраб олади». «Пост», яъни «кейинги» дегани, ўнинг фикрича, драманинг яшаши давом этаётганлигидан гувоҳлик беради, лекин «нормал» театрни янги театр концепцияси доирасида заифлашган, эскирган структураси сифатида» [3:109].

Бундай театрда ижроҳига эмас, айнан томошабинга маъноларни конструкциялаш вазифаси юклатилади.

Постдраматик театр постмодернистик театрга яқин. Бундай театрга ҳаракат категорияси эмас, балки ҳолат категорияси хос, бу ерда асосийси - тарих эмас, тасвирлаш. Театрдаги ҳаракат томошабинга тақлиф этилган фалсафий, илмий ва эстетик мавзулардаги театрлаштирилган фикрлаш билан алмаштирилади. Шакллар тили постдраматик театрда ишоралар арсенали бўлиб хизмат қилади. Театр жанрдан ташқари структуралар томонига фаол ҳаракат қилмоқда, бунда у илгарирок пайдо бўлган концепцияларни қарама-қарши ҳолатга, зиддиятлар поэтикаси ва эстетикасида ўз-ўзини аниқламоқда.

Постдраматик театрни чегара ҳолатининг бири рассомлик театридир, унда муаллиф режиссёр эмас, балки рассомдир. У «спектаклни макон ва замонда акс этаётган визуал композициялар структураси тарикасида баҳолайди»; театр ва реал тажрибага интилган амалий шакллар ўртасидаги чегаралар ювилиб кетади.

Постдраматик давр театр маданияти анъанавий театр майдончаларидан чекинишга интилмоқда. Шундай қилиб «кичик сахна»нинг хусусиятларини янгича таърифлаш юзага келади (асло XX аср ихтироси эмас, шунчаки ушбу сахна хусусиятлари янги давр режиссёрлари томонидан янгича фойдаланиб бошланди) - «метонимик макон». Бундай маконнинг асосий вазифаси бошқа ҳаёлий дунёнинг рамзий англатилиши бўлиб хизмат қилиш эмас, балки уйиннинг умумий реал макони сифатида театр маконининг бир қисmini биринчи планга чиқариш. Метонимик макон постдраматик театр спектакллари томошабин аудиториясининг тор доирасига олиб киради. Кенг томошабиндан ёпиқлик, ижоднинг мезонлари ва мулжалларининг йўқлиги спектакл муаллифларини ўларнинг ижодини объектив баҳолашнинг йўқлигига асосланган барча нарсанинг жоизлигига провакациялайди. Бу эса театрни ривожланиши ҳар сафар у ёки бу театр асарига хос бўлган қонунларга бўйсунган ҳолда эмпирик йўл билан бораётганлигини кўрсатади [4:146].

Ўз ичига тўрли хил йўналишларни камраб олиб ушбу жанрий кўплик замонавий театр маданиятининг адабий-постдраматик нуқтаси деб номланиши мумкин.

Замонавий маданият томошабинларда янги хусуси-

ятларни шакллантирди:

- бўш вақт маданиятида, фойда топишни максд қилган оммавий маданиятда мода алоҳида аҳамиятга молик. Модага кирган телесериаллар (локал ўларнинг куплиги боис) «бадий махсулот» намуналари бўлиб бормокда, бадавлат фуқаролар ўзларига театрда тақлид қилишларини кутаяпти, ва ушбу талабларга энг тезкор равишда антреприза акс садо бераяпти. Антреприза томошабин томонидан энгил ҳазм қилинадиган томошалар яратишни ўрганди;

бүгүн театрға келган кишилар «буржуа бўлишдан чарчаган», улар янги ўткир туйғуларни истади ва чуқурликка эга эмас. Саводли бўлишларига, ҳаётнинг паст-баландини кўрган бўлишларига қарамасдан улар ҳеч қандай пьесалар ўқимаган «Ужарнинг жиловланиши», «Уйланиш» нима билан яқунланадиганини билмайди»; [5:90-91]

- умуман театр томошабини учун театрға боришга ундайдиган мотив спектаклда таникли актёрларнинг иштирок этиши, томошабинларнинг аксарияти учун театр ҳордик чиқариш, вақтни кунгилли ўтказиш жойи, театрға тушиш эса қандайдир номалум мақсаддаги жонсиз маданий ритуалга айланмокда;

- шунинг билан боғлиқ: томошабинларнинг танлаш даражаси кўчайган сари баҳоларни монополияли равишда кўтариш урталлиги вужудга келади; хаттоки театр ҳақидаги салбий мақолалар ҳам томошабинни залға торғади (театрнинг анъанавий адабий бўлими мудири эса пиар бўйича мутахассисга ўрнини бўшатиб бермокда); ахборот жамиятидаги виртуаллашиб борувчи маданият билетларни сатиш ва онлайн бронлаштириш ва сотиш тизимини кенг тарқатмокда, бу эса кўп миқдордаги олибсатар-сайтлар кириб келишига имконият яратади.

Лекин, хаттоки бундай вазиятда томошабин ўз маданий позицияларидаги таянчларини йўқотишига қарамасдан ижтимоий позицияларини асраб қолади.

Замонавий театр санъатининг жанрий йўналишига қуйидагилар қиради:

Ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар, ўларнинг марказига ўз яратувчиларининг ва томошабиннинг умумий тажрибасининг бевоситалиги қўйилган. Масалан, О.Куликнинг «бадий» фаолияти, у 1990 йилларнинг бошида томошабин олдиға одам-ит образида чиққан эди [6].

У ёки бу ижтимоий-сиёсий «дастурларни» ифода-лайлиган спектакллар. Масалан, К.Серебренниковнинг МХАТ мактаб-студияси талабалари билан кўрсатган «Отморозки» спектакли (З.Прилепин «Санька» повести асосида).

Адабиётлар

1. Алиева Н. Санъат - менинг ҳаётим. -Т.: «Г.Гулом», 1975.
2. Бехбудий Махмудхужа. Танланган асарлар. -Т.: «Маънавият», 2006.
3. Баяндиев Т. Каракалпакский театр. -Т.: «Фан», 1971.
4. Исломов Т. Тарих ва сахна. -Т.: «Г.Гулом», 1998.
5. Станиславский К.С. Санъатдаги ҳаётим. -Т.: «Бадий адабиёт», 1965.
6. Турсунов Т. XX аср ўзбек театри тарихи. -Т.: 2009.
7. Умаров Э. Театрда бадий образ яратишнинг эстетик тамойиллари. -Т.: 2011.

Жанр муаммоси санъатшунослик ва маданиятшуносликда айни вақтда асарға ва у орқали бутун тадқиқ қилинаётган даврга назар муаммоси ҳамдир. Ушбу маънода жанр узининг конкрет-тарихий аниқланганлиги билан маданиятга киритилган шаклий-мазмуний яхлитлигининг муайян типидир.

РЕЗЮМЕ

РЕЗЮМЕ

Проблема жанра в искусстве и культурологии - это одновременно проблема взгляда на произведение и сквозь него на весь исследуемый период. В этом смысле жанр - это определенный тип формально-смысловой целостности, привнесенный в культуру с её конкретно-историческим определением.

SUMMARY

The problem of genre in art and cultural is at the same time a problem of looking at the work and through it the whole period under study. In this sense, the genre is a certain type of formal-semantic integrity introduced into culture with its concrete-historical definition.

Театр фестиваллари. Улар ўзида бошқа нарсалар орасида шакл ҳосил қилувчи омилларни ҳам олиб юради, чўнки кўпчилик фестиваллар форматларида нафақат спектакллар кўриги, балки қўшимча тадбирлар - театрлаштирилган очилиш ва ёпилиш, пресс-конференциялар, семинарлар, кўргазмалар, янги пьесаларни ўқиш ва ҳк. ўрин олган. Бундан ташқари ҳар бир фестивал томошабинга нисбатан муайян социомаданий императивға эга. Масалан, «NET-2010» фестивалининг асосий мавзуси таникли режиссёрларнинг машҳур европа театрларининг нотаниш труппалари билан ишлаши бўлди; «Территория» (2010 й.) фестивали сиёсий театрға қадам қўйди; Халқаро Чехов фестивали жанр жиҳатдан тобора расға яқинлашмокда. Унда намоиш этилган спектаклларда пластик ишлар драматик ишларға қараганда кўчлироқ янграмокда [7].

Театр совринлари ва уларға киритилган турли ҳил «конкурсдан ташқари дастурлар», кўпинча улар доирасида у ёки бу ижодий лабораториялар ҳаракат қиладди. Замонавий санъатнинг турли ҳил майдонча-репродукторлари («Гараж», «Винзавод», «Платформа» сингари); турли ҳил купфункциали театр-маданий марказлари: клублар ва бард-кафе («Мастерская» ва «Гнездо глухаря»), театр секторига эга бўлган қатъий маданий марказлар (музей-театр «Булгаковский дом») ва ҳк.

Флеш-моб ва реалити-шоу, одамбўйи кўғирчоқлар орқали реклама ва ҳ.к. каби тўрли ҳил, аммо шакли бўйича театрлаштирилган ҳодисалар.

Ушбу ранг-барангликда умумий мезон - ҳар қандай одам билан бевосита диалог ўрнатишға созланган театр позициясидир. Ушбу жанрий ёндашувлар томошабинга нисбатан ижтимоий-иқтисодий йўналтирилганлиги тўғрисида замонавий театр санъатининг ижтимоий ҳаётига сингир кетди.

XX-XXI асрлар оралигининг ажратиб кўрсатилган маданий доминантлари замонавий театр маданиятига ўнинг илгари перифериялик бўлган жанрий тузулмаларини кўчайтириш томонига қарай таъсир кўрсатади. Ушбу кўчайиш замонавий театрнинг учта йирик жанрий бирикуви асосида шаклланади: ҳужжатли - концептуал; адабий-постдраматик ва ижтимоий бошқарув.

Ушбу жиҳатлар нафақат замонавий театр, мусиқали театрда ифодаланган ижтимоий вазиятни акс эттиради, балки сахна ва залнинг - театр ва томошабиннинг, жамиятнинг янги муносабатини шакллантиради. Ўз навбатида, мусиқали театр санъатида таъкидлаб кўрсатилган ҳусусиятлар бу санъатнинг ўзига ҳослигини яна бир бор исботлайди.